

9900027299

-сонли шартнома

2-гурӯх Истеъмолчиларига ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 10 » 01 2022-й.

Ушбу шартнома «Наманган сув таъминоти» МЧЖнинг Наманган шаҳар бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Е. ХОДЖЧЕВ (ф.и.ш.) шахсида, бир томондан ва кейинги

ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Бондишк, Босен Бондишкар и.я асосида иш олиб борувчи директор Р. Раҳмонов (ф.и.ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 20 22 йилга сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш нарх бўйича 213 м³ни:

1м³ ичимлик сув учун _____ сўм (+ККС 15%), + _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда

1м³ оқова сув учун _____ сўм (+ККС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 822659,257 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан _____ сўм,

бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм

бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, «Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДСт 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда (туман ҳудудларида ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» ги 5241-сонли Фармонига асосан «Таъминотчи»га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдидан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил "04" мартдаги 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м³, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м³ махсус устама жорий этилган ҳақни асосий тарифга қушиб тулашни ҳамда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади. «Таъминотчи»га тақдим қилинган сув етказиб бериш-оқов

Наманган

«SUVA TAYMINOTI MCHJ»

Наманган шаҳар бўлими

ҳужалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

1.6. «Истеъмолча»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити (м3):

Кизма тур	Янв	Февра	Ма	Апр	Ма	Ию	Ию	Авгу	Сентя	Октяб	Нояб	Декаб	Жа ми
р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р	р
Ичимлик сув	71	71	71										
Оқова сув													

1.7. «Истеъмолча» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС табарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсатқичини бериши, қарздорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК мuddатик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига сув селиш, ҳамда ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш таъйинланган.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолча (суб-истеъмолча)ларнинг ҳужалик-истеъмолча ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

«Таъминотчи»нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини «Истеъмолчининг» аналитика тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини «Истеъмолча» билан тасдиқланган «Қоидаларга» мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал ҳужалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, кибсладан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. «Истеъмолча»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли диаметр (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига тежирилади ва «Истеъмолча» билан келишилади. ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмо микдоридан кам миқдорда сув истеъмоли келинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг қўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация ҳужалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини таъмирлашга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши истеъмолча томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва шартнома асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчининг» сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан келган техник шартлар асосида, «Истеъмолча» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, талаблар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида пойхалаштириш ташкилоти томонидан қилинган ишларнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолча» ва «Истеъмолча» билан қўрилган вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, қўрилган янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг техник ҳолати учун эксплуатация масъулияти чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг қисмлари) сув-коммунал ҳужаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой миқдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисmidир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у «Истеъмолча»нинг ички оқова тизимининг бир қисmidир. Агар чиқариш оқова қудуғи магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал ҳужалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса «Истеъмолча»нинг қўчи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи»дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуқсиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) «Истеъмолча» ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан қўрилган қўрилма билан шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) «Таъминотчи»ни шартномада бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу мuddатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шаҳсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) «Таъминотчи»дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудига жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўрилганини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш. «Таъминотчи» томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини беритмаслик, кўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг қўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) «Истеъмолча» ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқар (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан «Таъминотчи»ни хабардор қилиш;

д) сувини ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали «Таъминотчи»га хабар бериш;

е) «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида қўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу қўрсаткичларни «Таъминотчи»га жорий ойнинг охириг қундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймаслик;
ж) «Таъминотчи»ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва идиқ манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
и) «Таъминотчи»га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, рима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг олосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
л) «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган сув ўтказиш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова зимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган «Истеъмолчи» дарҳол «Таъминотчи»га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун «Таъминотчи» техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва ҳудуд сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув ўтишини ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
б) «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларнинг техник ҳолати қоникарсиз ҳолатда бўлса ва «Истеъмолчи» техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини «Таъминотчи» қиллари талабига кўра бартараф этамаса;
в) «Таъминотчи»нинг вақили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги олган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга натишга ва бошқа ишларда «Истеъмолчи» томонидан асоссиз халақат берилган тақдирда;
г) «Таъминотчи» томонидан режалли олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, «Истеъмолчи» уларга уланган бўлса, ва янги «Истеъмолчи»ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
д) «Истеъмолчи»нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги қилганда;
е) «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга кирмаганда;
ё) «Таъминотчи»нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад вобини берганда;
ж) «Истеъмолчи»лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини қосатиш шартларига риоя қилинмаганда;
з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
и) табиий офатларда;
й) аварияларда;
к) ёнгин чиққан ёрларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти тутилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
б) сув етказилишини (ҳудудларда ҳоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига осан) таъминлаш;
в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда алий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргалиқда «Истеъмолчи»лар сувидан оқилана фойдаланиш ва сувдан оқилана фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол тишини қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда зорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни зорат қилиш;
г) «Истеъмолчи»ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан г, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;
д) «Истеъмолчи»лар сув қувур ҳўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қилмаснинг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва

тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) «Истеъмолчи»га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида «Истеъмолчи»ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани «Истеъмолчи»га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда қелиб қикқан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланиш қизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчаллик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларини тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 «Таъминотчи» қуйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС ва махсус устамани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига қелиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдorigа тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдorigа 2.0 коэффициентли қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсусдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув қавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, «Таъминотчи» билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча руҳсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув қавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга

ширилади. Истеъомолчига карашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими арказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, «Истеъомолчи» чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда «Таъминотчи» билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъомолчи» чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектни янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. «Истеъомолчи»нинг сув узатиш-оқова ҳўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан «Истеъомолчи»нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнанинг календар кунлари ҳисобидан қўйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \cdot F \cdot \sqrt{2g \cdot H} \cdot t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;
 F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;
 g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;
 H – сувнинг метрлардаги босими;
 t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қўйдаги ҳолатларда:

6.3.1. «Истеъомолчи»да сув ўлчаш асбоби ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда):

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) сўнггача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъомолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби ўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гуруҳ истеъомолчилари учун Қонданинг 87-“Б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. «Истеъомолчи»нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув сарф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда:

6.3.6. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги ҳўйилган химоя қопламасига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сакланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган сўнггача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан санадан бошлаб ҳисобланади. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач бюротмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини қўздирши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. «Истеъомолчи» коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳўжжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳўжжатлари ва шу қабилар асосида, ҳўжжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилиши ҳаққидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъомолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъомолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижроти олишга қаратилган чикимларини, сўнгра фойзаларни, унинг қолган қисми эса - қарзнинг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. «Истеъомолчи» ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар «Истеъомолчи» икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхташиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик «Истеъомолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъомолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ун) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари руҳсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъомолчига нисбатан ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантурувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортикча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида «Истеъомолчи» га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳўжжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъомолчи»ни тўлов ҳўжжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортикча сув истеъомол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. «Таъминотчи» билан «Истеъомолчи»лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, ишоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишини узиб қўувчи қирғиш қулфи. Қирғиш қулфи билан ичимлик сувага уланиш, истеъомолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъомолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи канализация кудуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу кудук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланиб, унга туташтирувчи фойдаланиш қизғини эса истеъомолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар хисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хоши ёрларни билан шартномани янгиланган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

Наманган сув таъминоти МЧДК
Наманган шаҳар бўлими
Манзил: А.Навой куча 24-уй
Тел 233-49-39, факс 233-08-91
Банк: Ипотека банк
МФО: 00223 ИНН: 20048456
Хр: 2263 8000 3003 0601 2368

ОКЕНД: 36000



Рахбар

М.У. (Ф.И.О. имсо)

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Нам. Вул. Бангунлидони болонхор масж
Манзил Наманган шаҳар Навой куча 24
Тел: 69229 9250, факс
Газ/х-р 1000 21 860 1440 1 7109 120 14 1802
Банк Ипотека банк ХХКК
Банк коди 60014 СТИР 200056899

ХХТУТ

Шахсий рақам 2341260030040001010

Шахсий х-р

Банк Ипотека банк ХХКК

Банк коди 60014 СТИР 201129919

Рахбар

М.У. (Ф.И.О. имсо)

«2022 й.



Юридик ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Қуқуқолик кодекси ва «Хўжалик юритувчи шартноманинг ўз шартноманинг ҳуқуқий таъсирини» қонунининг асоси тўғрисидаги, Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасидаги қонуний ҳуқуқий ҳолатда тузилган. Шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши ҳақида қонун талабларига мувофиқ рақамда алоқадорликлар.

«НАМАНГАН СУВ ТАЪМИНОТЧИ» МЧДК
Наманган шаҳар ҳуқуқий бўлими

2022 йил 10 январ даги 9900027299 шартномага илова
Навоий вилоят Бондлик боси бошқармаси.

Ойлар	Микдори	Суммаси
Январь	71	274219.75
Февраль	71	274219.75
Март	71	274219.75
1-чорак	213	822659.25
Апрель		
Май		
Июнь		
2-чорак		
Жами	213	822659.25

Ойлар	Микдори	Суммаси
Июль		
Август		
Сентябрь		
3-чорак		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		
4-чорак		



Кизмат курсатувчи:

Е. Ходичев

Мухр имзо



Истеъмолчи:

Р. Рагулов

Мухр имзо